

КРИМИНАЛ СУБМАДАНИЯТНИНГ СПОРТ МУҲИТИГА ТАЪСИРИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси, Аҳадов Собиржон Муродович*

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада криминал субмаданиятнинг спорт муҳитига, хусусан, жанговар спорт турлари вакилларига кўрсатаётган деструктив таъсири, унинг тарихий эволюцияси ҳамда трансформациялашув омиллари академик ва криминологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада пенитенциар муассасаларга хос бўлган анъанавий жиноий субмаданиятнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар фонида фуқаролик жамиятига ва спорт клубларига сизиб кириш механизмлари очиб берилган. Уюшган жиноий гуруҳлар томонидан спорт масканларидан “кадрлар тайёрлаш базаси” ва “куч ишлатар ресурс” сифатида фойдаланиш, шунингдек, ёш спортчилар онгида “кўча қонунлари”, “сохта биродарлик” ва зўравонликни оқловчи дунёқарашни шакллантириш жараёнлари ёритилган.

Тадқиқот якунида спорт муҳитини криминал омиллардан ҳимоя қилиш, спортчиларда мустаҳкам ҳуқуқий онг ва маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантириш ҳамда тизимли виктимологик-профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий хулосалар илгари сурилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Криминал субмаданиятнинг таъсири, спорт муҳити, жанговар спорт клублари, уюшган жиноятчилик, куч ишлатар ресурс, кадрлар захираси, трансформациялашув, ёш спортчилар, куч маданияти, норасмий хулқ-атвор кодекси, кўча қонунлари, сохта

биродарлик, деструктив мафкура, виктимологик профилактика, ҳуқуқий онг.

ВЛИЯНИЕ КРИМИНАЛЬНОЙ СУБКУЛЬТУРЫ НА СПОРТИВНУЮ СРЕДУ

соискатель Академии МВД Республики Узбекистан,

Ахадов Собиржон Муродович

АННОТАЦИЯ: В данной статье с академической и криминологической точек зрения анализируются деструктивное влияние криминальной субкультуры на спортивную среду, в частности на представителей боевых видов спорта, ее историческая эволюция и факторы трансформации. Раскрываются механизмы проникновения традиционной преступной субкультуры, присущей пенитенциарным учреждениям, в гражданское общество и спортивные клубы на фоне социально-экономических изменений. Освещаются процессы использования спортивных объектов организованными преступными группами в качестве «кузницы кадров» и «силового ресурса», а также формирования в сознании молодых спортсменов «уличных законов», «ложного братства» и мировоззрения, оправдывающего насилие.

В завершение исследования выдвинуты научно-практические выводы по защите спортивной среды от криминогенных факторов, формированию у спортсменов прочного правосознания и духовно-нравственного иммунитета, а также совершенствованию системных виктимологических и профилактических мер.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: влияние криминальной субкультуры, спортивная среда, клубы боевых искусств, организованная преступность, силовой ресурс, кадровый резерв, трансформация,

молодые спортсмены, культ силы, неформальный кодекс поведения, уличные законы, ложное братство, деструктивная идеология, виктимологическая профилактика, правосознание.

THE INFLUENCE OF CRIMINAL SUBCULTURE ON THE SPORTS ENVIRONMENT

*Independent Researcher at the Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan*

Sobirjon Murodovich Akhadov

ABSTRACT: This article provides an academic and criminological analysis of the destructive influence of criminal subculture on the sports environment, particularly on representatives of combat sports, its historical evolution, and transformation factors. The mechanisms through which traditional criminal subculture, historically characteristic of penitentiary institutions, permeates civil society and sports clubs amid socio-economic shifts are revealed. It highlights how organized crime groups utilize sports facilities as a “recruitment base” and a “force resource” while shaping a mindset among young athletes that legitimizes violence, “street rules” and “false brotherhood”. In conclusion, scientific and practical recommendations are advanced to protect the sports environment from criminogenic factors, cultivate robust legal consciousness and moral-ethical immunity in athletes, and refine systematic victimological-preventive measures.

KEYWORDS: influence of criminal subculture, sports environment, combat sports clubs, organized crime, force resource, talent pool, transformation, young athletes, culture of force, informal code of conduct, street rules, false brotherhood, destructive ideology, victimological prevention, legal consciousness.

Криминал субмаданиятнинг генезиси ва тарихий эволюциясини таҳлил қилиш, ушбу ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисанинг узоқ муддатли тарихий жараёнлар маҳсули эканлигини кўрсатади. Муайян иерархия ва қатъий норасмий нормаларга эга бўлган профессионал жиной тизим асосан XIX аср охири ва XX аср давомидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар фонида шаклланди. XX асрдаги глобал ижтимоий ларзалар ушбу субмаданиятнинг пенитенциар муассасалар доирасидан ташқарига чиқишига туртки берган бўлса, XXI асрга келиб у замонавий шароитга мослашиб, жамиятнинг турли қатламларига, хусусан, ёшлар ва спорт муҳитига трансформациялашган кўринишда кириб борди.

Тарихий жиҳатдан, собиқ Иттифоқ даврида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, жинойтчиларнинг ўзига хос янги олами шаклланиши кузатилган. Ўта оғир ижтимоий шароитларда омон қолиш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадидаги жипслашув профессионал жинойтчиликнинг қарор топишига замин яратди. Профессионал жинойтчиликнинг негизида ғаразли-паразитик психология ётиб, у жинойт тажрибанинг кейинги авлодларга тизимли равишда узатилиши орқали субмаданиятни мустаҳкамлайди. К. Маркс таъкидлаганидек: “Агар бирор шакл маълум вақт давомида мавжуд бўлса, у урф-одат ва анъана сифатида мустаҳкамланади” [1].

1990 йиллардаги сиёсий ва иқтисодий ислохотлар натижасида жинойт муҳитда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу даврда криминал субмаданиятнинг табақалашув, жаргон ва атрибутика каби унсурлари янги ижтимоий воқеликка мослашди [2]. 80-йиллардаги тарқоқ жинойт гуруҳлар 90-йилларга келиб мустаҳкам мафкуравий пойдеворга эга бўлган уюшган жинойт ҳамжамятларга айланди [3]. Ушбу ҳамжамятлар дастлаб ўзаро ёрдам ва “биродарлик” ниқоби остида пул маблағларини йиғиш (*ўлпон ундириш*) тизимини йўлга қўйиш орқали ўз фаолиятини легитимлаштиришга интилган.

Таҳлилларга кўра, ёшлар муҳитидаги криминал субмаданият профессионал жинойтчиликдан бир қатор хусусиятлари (судланмаганлик, бандлик, ҳукуқий билимларнинг етишмаслиги) билан фарқланса-да, уюшган жинойтчиликнинг мавжудлиги ўз-ўзидан ушбу қатлам учун мос келувчи янги субмаданиятни келтириб чиқаради [4].

Бугунги кунда криминал субмаданият мулкни қайта тақсимлаш ва ноқонуний “бизнес” соҳаларини назорат қилишнинг мафкуравий куролига айланган. XIX асрдаги “ўғри анъаналари”дан XXI асрдаги трансформациялашган “янги аристократия” шаклигача бўлган эволюция жинойт дунёнинг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига чуқур мослашганидан далолат беради [5].

XXI аср бошларига келиб, ижтимоий-иқтисодий воқеликнинг ўзгариши натижасида жинойтчилар ҳамжамияти субмаданиятида чуқур трансформация жараёнлари юз берди. Агар илгари криминал субмаданият нормалари асосан ёпиқ кичик муҳитларда намоён бўлган бўлса, замонавий босқичда жамият ҳаётининг турли соҳалари криминаллашуви муносабати билан уларнинг таъсир доираси кенгайиб кетди [1]. Бугунги кунда криминал субмаданиятда тўртта асосий тенденция кузатилмоқда: 1) традиционализм; 2) модернизация; 3) ҳар қандай нормани инкор этиш яъни “беспредел”; 4) мослашувчанлик ва легаллашувга интилиш [2].

Ушбу назарий ёндашувни ёш спортчилар, хусусан, жанговар спорт турлари вакилларининг УЖГларга қўшилиб қолиш жараёнларига татбиқ этсак, мазкур тенденцияларнинг, айниқса, учинчи ва тўртинчи йўналишлари спорт муҳитида яққол намоён бўлаётганини кўриш мумкин, булар, шафқатсизлик ва ҳукуқий нигилизм бўлиб, жинойт тўдалар таркибига кириб қолаётган ёш спортчилар анъанавий “ўғрилар” қонунларини инкор этиб, уларнинг ўрнига “жисмоний куч маданияти”, агрессия ва муаммоларни фақат зўравонлик йўли билан ҳал қилиш

гоясини устувор деб биладилар. Бундай гуруҳлар жамиятдаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни очиқчасига инкор этиб, ўта шафқатсизлик билан оғир жиноятлар (мисол учун: безорлик, тан жароҳати етказиш, товламачилик) содир этадилар.

Хусусий жанговар спорт заллари (ММА, бокс) ва федерацияларига ҳомийлик қилиш орқали улар “меценат” яъни ҳомий мақомини яратиб, ушбу масканларни жиноят олами учун “кадрлар тайёрлаш базаси”га айлантирадилар. Натижада, спортчилар ноқонуний қарз ундириш, рейдерлик ва тадбиркорларга тазйиқ ўтказиш каби жиноий бизнес манфаатларини ҳимоя қилувчи “мушакли аскарлар” вазифасини бажарадилар.

Мафкуравий ва психологик таъсир механизмларининг амал қилиш жараёнини чуқурроқ англаш, уларнинг шахс хулқ-атворига таъсирини баҳолаш учун мазкур ҳодисанинг таркибий қисмларини деталлаштириш талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқот доирасида криминал субмаданиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини ифодаловчи қуйидаги тизимли элементларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

1.Норматив-қадриятли бўлган элементи, бу жамиятнинг амалдаги ҳуқуқий тизимига нисбатан нигилистик муносабатнинг шаклланиши, давлат органлари хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишни қатъий инкор этиш ҳамда ички зиддиятларни норасмий “хулқ-атвор кодекслари” асосида ҳал этишга интилиш;

2.Коммуникатив-маълумотли бўлган элементи, бу махсус жиноий жаргон ёрдамида ахборотнинг яширинлигини таъминлаш ҳамда гуруҳ ичида шахсларни “ўзиники/бегона” тамойили асосида саралаб, уларнинг ижтимоий мақомини белгилаш;

3. Атрибутив-визуал ҳисобланган элементи, бу шахснинг жиноий иерархиядаги ўрнини, жиноий ихтисослашувини ва “криминал

стажи”ни ифодаловчи ташқи белгилар яъни татуировкалар, махсус ишоралар ва символикалар мажмуи.

Бугунги кунда, айниқса, ёш спортчилар муҳтида криминал субмаданиятнинг трансформациялашуви алоҳида хавф туғдирмоқда. Спортга хос бўлган “ғалабага интилиш”, “жисмоний устунлик” ва “гуруҳий бирдамлик” каби тушунчалар жиноий субмаданият таъсирида бузиб талқин этилиб, ёшларни уюшган жиноий гуруҳларга жалб қилиш учун маънавий-психологик замин яратмоқда. Бу эса ўз навбатида, спорт муҳитини айрим ҳолларда жиноий гуруҳлар учун “ишонч тармоқлари” ва кадрлар захираси майдонига айлантириши мумкинлиги билан ижтимоий хавфлидир.

Шу сабабли, криминал субмаданиятни ўрганиш нафақат назарий аҳамиятга эга, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш ва жиноий идеологиянинг тарқалишига тўсқинлик қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ёш спортчиларнинг девиант хулқ-атвор ва жиноий фаолият йўлига киришида мафкуравий ёки доктринал қарашлар бирламчи детерминант ҳисобланмайди. Аксинча, бу жараён мураккаб ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар ва шахснинг микромуҳитидаги деструктив трансформациялар маҳсулидир.

Хусусан, жамиятдаги ижтимоий адолатсизлик, иқтисодий ностабиллик ҳамда самарали “ижтимоий лифт” механизмларининг етарли даражада шаклланмаганлиги спортчи ёшлар қатламида тизимли норозилик кайфиятини ва “ижтимоий дезориентация” ҳолатини юзага келтиради [6] . УЖГлар ушбу ижтимоий вакуумдан моҳирлик билан фойдаланиб, ёшларга давлат институтлари бера олмаган “муқобил адолат” ва муаммоларни тезкор молиявий ҳал этишнинг ноқонуний моделларини таклиф этади.

Радикаллашув ва криминализация жараёнида ахборот технологияларининг роли ортиб бораётган бўлса-да, эмпирик тадқиқотлар ижтимоий тармоқлардан кўра бевосита шахслараро мулоқотнинг устуворлигини исботламоқда. Н. Шилс ва А. Верхаге таъкидлаганидек, спорт заллари, кийиниш хоналари ва норасмий спорт клублари криминал “авторитетлар” учун қулай ўзининг сафига жалб қилиш полигонига айланмоқда [6]. Бу ерда қўлланиладиган психологик таъсир усуллари, яъни “устоз-шогирд” анъаналарининг криминал мазмун билан йўғрилиши, ёш спортчининг онгига виртуал тарғиботдан кўра анча чуқур ва тезроқ сингдирилади.

Спорт муҳитида, хусусан, жанговар спорт турларида криминал субмаданият ўзининг яширин ва ўта хавфли шаклига эга. Бу ерда гап оддий маиший безорилик ҳақида эмас, балки спортчиларнинг жисмоний кучи ва жанговар кўникмаларини уюшган жиноятчилик манфаатларига бўйсундириш ҳақида кетмоқда.

Одатда спорт интизом, ҳалоллик ва соғлом рақобатга асосланади. Криминал субмаданият спорт залларига кириб келганда эса, бу кадриятлар ўрнини “кўча қонунлари”, “кучлининг ҳақлиги” ва муаммоларни фақат зўравонлик йўли билан ҳал қилиш ғояси эгаллайди.

Таниқли криминолог А.И. Гуров уюшган жиноятчиликни тадқиқ этар экан, жиний гуруҳлар доимо мушакли “аскарлар”га (криминал жаргонда “торпедалар” ёки “жангарилар”) муҳтож бўлишини ва уларни айнан спорт залларидан, хусусан, эркин кураш, бокс, шарқ яккакураш клубларидан ёллашини алоҳида таъкидлаган [7].

Демак, криминал субмаданият – бу жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга зид бўлган, жиноят оламига хос кадриятлар, анъаналар ва “хулқ-атвор кодекси” йиғиндисидир. Унинг спортчилар ва ёшлар муҳитига кириб бориши қуйидаги чуқур муаммоларни келтириб чиқармоқда:

Ёш спортчилар орасида криминал авторитетлар ва уюшган гуруҳ етакчилари идеаллаштирилади. Уларнинг онгида қонунга бўйсуниб яшаш “оғизлик”, кўчанинг “тўғри тушунчалари” бўйича яшаш эса “мардлик ва биродарлик” рамзи сифатида шаклланади. Олим С.В. Шпак таъкидлаганидек, вояга етмаганлар орасида криминал субмаданият айнан катталарнинг (хусусан, обрўли устозларнинг) йўналтириши билан нормал ҳолатга айланиб қолади [8].

Тадқиқотлар ёш спортчиларнинг девиант хулқ-атворга мойиллиги негизида жиноий идеология эмас, балки чуқур ижтимоий-иқтисодий омиллар ётишини тасдиқлайди. Хусусан, молиявий беқарорлик ва жамиятдаги “ижтимоий лифт” тизимининг сустлиги спортчи ёшларда дезориентация ҳолатини келтириб чиқаради. Уюшган жиноий гуруҳлар эса айнан шу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилиб, спортчиларга ўз муаммоларини тезкор ҳал этишнинг криминал йўллари ва ўзига хос “муқобил адолат” иллюзиясини сингдиради.

Таниқли спортчилар иштирокида ўтказилган сўровномалар шунини кўрсатадики, спортга хос бўлган хавф-хатарни ёқтириш, ўта қалтис вазиятларда яшаш, кучли адреналин олишга бўлган эҳтиёж ҳамда тенгдошларнинг таъсири айрим эркак спортчиларни тасодифий жиноятларга етаклаши мумкин. Агар уларнинг яшаш муҳитида жиноятчи дўстлар ёки танишлари бўлса, бу уларнинг криминал субмаданиятга янада чуқурроқ боғланиб кетишини янада кучайтиради.

Криминологик тадқиқотлар, шу жумладан экстремистик йўналишдаги уюшган жиноий гуруҳлар ҳақидаги ишлар умумий бир хулосани кўрсатади: болаликдан зўравонлик муҳитида улғайиш, жамиятдаги паст мавқедан норозилик, ўзига нисбатан ишончсизлик, жиноий ёки экстремистик ташкилотлар билан шахсий алоқалар ва “гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиш” яъни дўстлар билан биргаликда йирик гуруҳга қўшилиш, УЖГ сафига киришдаги асосий сабаблардандир.

Мавжуд тадқиқотлар спортчилар учун махсус тайёр “криминал субмаданият – уюшган жиноий гуруҳ” моделини яратиб бермаса-да, қуйидаги ҳолатлар спорт муҳитини айрим спортчилар учун уюшган жиноий гуруҳларга боғловчи майдонга айлантириши мумкинлигини кўрсатади, булар, спортда ғалабани ҳар нарсадан устун қўйиш, фақат пул ортидан қувилиш ва ахлоқий меъёрларнинг бузилиши; спорт ташкилотларининг коррупция ва жиноий гуруҳлар аралашувига мойиллиги; шунингдек, маҳаллий жиноятчи дўстлар ҳамда спорт орқали қурилган ишонч тармоқлари. УЖГларнинг одамларни ўз сафига қўшиб олиш усуллари ўрганган илмий шарҳлар жиноий жамоаларга қўшилишнинг асосий шахсий хавф омилларини аниқлаш имконини беради [9].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, спорт муҳотидаги криминал субмаданият бу, спорт индустриясининг тижоратлашуви ва уюшган жиноятчиликнинг “куч ишлатар ресурс”га бўлган эҳтиёжи оқибатида анъанавий пенитенциар соҳадан фуқаролик жамиятига трансформация бўлган деструктив ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир. Мазкур тизим норасмий ҳуқ-атвор кодекслари, жаргон ва “сохта биродарлик” иллюзияси воситасида ёш спортчилар онгида зўравонликни оқловчи дунёқарашни шакллантиради ҳамда уларни рейдерлик ва ноқонуний қарз ундириш каби жиноий фаолиятга жалб этади. Шу сабабли, ушбу таҳдидни бартараф этиш спорт клублари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда атлетларда мустаҳкам ҳуқуқий онг ва маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган комплекс виктимологик-профилактик чораларни амалга оширишни талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Роулинсон П. Российская организованная преступность. Новая угроза? – М., 2000. – С. 82. (*К. Маркс иқтибоси учун*)
2. Корецкий Д.А., Тулегенов В.В. Криминальная субкультура и ее криминологическое значение. – СПб., 2006. – С. 5.
3. Долгова А.И. Преступность, ее организованность и криминальное общество. – М.: Российская криминологическая ассоциация, 2003.
4. Сочивко Д.В. Молодежь России: образовательные системы, субкультуры, исправительные учреждения. – М.: МПСИ, 2009.
5. Кончаловский А.С. Возвышающий обман. – М., 1999. – С. 322.
6. Schils N., Verhage A. Understanding How and Why Young People Enter Radical or Violent Extremist Groups // International Journal of Conflict and Violence. – 2017. – Vol. 11. – P. 1-15.
7. Гуров А. И. Профессиональная преступность: прошлое и современность. – М.: Юридическая литература, 1990. – С. 152.
8. Шпак С. В. Криминальная субкультура молодежи в условиях современного общества: социально-философский аспект // Историческая и социально-образовательная мысль. – 2012. – № 1. – С. 273.
9. Calderoni F. Organized crime groups: A systematic review of individual-level risk factors related to recruitment // Campbell Systematic Reviews. – 2022.// Campbell Systematic Reviews. – 2022. – DOI: 10.1002/cl2.1283.